ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 декабр, сешанба №184 (831)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Нуробод туманидаги Жанубий кон бошқармаси яқинда ногиронларни, якка-ёлғиз ва бошқа ёрдамга муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида туман ижтимоий таъминот бўлимига 3 миллион 100 минг сўм пул ўтказди.

Бу бошқарманинг ижтимоий таъминотчиларига бераётган биринчи ёрдами эмас. Шу йил қуриб битказилиб қарияларга ҳадя этилган муҳташам чойхона ҳам essential кончиларнинг кексаларга меҳр-муҳаббати самарасидир. Айтиш мумкинки, қариялар, ногиронлар давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан тўлиқ баҳраманд этилаётир. Йил давомида уларга 2 та коляска, 20 та қўлтиқтаёқ, 40 та хасса, берилди. 40 нафар киши санаторияларга йўлланма олишди.

**2000 йил 9 январ - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни**

# ХАЛҚ ИШОНЧИ, МЕҲР-МУҲАББАТИ ТИМСОЛИ

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Фидокорлар миллий-демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 25 декабр куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясининг раиси Отабек Раҳимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қувондиқ Мадартов учрашув қатнашчиларини Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил ўз сўзида Сурхон аҳли Ватанимизнинг истиқлолга эришиши, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, бунёдкорлик ишларини, барча соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотларни Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсат натижаси деб билишини таъкидлади.

Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз мустақиллик йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу янгиланиш замонавий лойиҳалар ва миллий меъморлик услубида қурилган кўплаб маданий-маиший бинолар, мактаблар, боғчалар, янги тураржой бинолари, саноат корхоналари, гузарлар мисолида намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, яқинда халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган «Алпомиш» достонининг минг йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонлангани, шу қутлуғ сана шарофати билан муҳташам «Алпомиш» ёдгорлик мажмуи барпо этилгани маънавий ҳаётимиздаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлди.

Сурхондарё вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос салоҳиятга эга, деди Ислом Каримов. Гарчи бу ерда деҳқончилик етакчи соҳа ҳисоблансада, саноат ҳам ривож топиб бораётгани эътиборга моликдир. Вилоятда жорий йилда қарийб 30 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бунда нодавлат секторининг улуши 92 фоизни ташкил қилгани саноатда бозор муносабатлари тобора мустаҳкам қарор топаётганини кўрсатади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги куннинг энг устувор ва долзарб вазифаси - ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш, авваламбор, халқимизнинг, одамларимизнинг қалбида бунёдкорлик ишларига интилиш ва рағбат уйғотиш, тадбиркорлик ҳаракати йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш билан узвий боғлиқ.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш учун ҳозирги вақтда зарар кўриб ишлаётган давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнида мулкчиликнинг янги турлари - ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари пайдо бўлмоқда, оила пудрати кенг кўламда жорий этилмоқда.

Қайсики вилоятда, туман ва жамоада ер ҳақиқий эгасини топса,- деди Ислом Каримов,- мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарса, деҳқон хайрихоҳлик, қўллаб-қувватлашни сезса, ўша ерда юксак ижобий самараларга эришиш мумкин.

Бизнинг юритаётган сиёсатимиз, амалга ошираётган ислоҳотларимиз, нимаики иш қилаётган бўлсак, ҳамма-ҳаммаси одамларимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган, деб таъкидлади Йўлбошчимиз.

Президентликка номзод билан учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Абрай Мусурмонқулов, жарқўрғонлик ўқитувчи Ойнаҳол Муҳаммадиева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, бойсунлик Шоберди бахши Болтаев Ислом Каримовнинг юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, халқ бахт-саодати йўлидаги фидойилигини таъкидлаб, барча сурхондарёликларни 2000 йил 9 январда унинг номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 декабр куни Оқсарой қароргоҳида Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина ҳамда Россиянинг С.Ильюшин номидаги Бирлашган конструкторлик бюроси Бош конструктори Генрих Новожиловни қабул қилди.***



Давлатимиз раҳбари бу кун икки томон учун ҳам ажойиб сана эканини таъкидлади. Зеро, айни шу куни «В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»га Давлатлараро авиация қўмитаси томонидан Ил-114-100 русумли самолётнинг сертификати топширилди. Таъкидлаш жоизки, бу ҳужжат дунёнинг етакчи авиасозлари томонидан тўла эътироф этилган. Ўзбекистон, Россия, АҚШ ва Канада ҳамкорлигида яратилган бу ҳаво кемаси улкан лойиҳа асосида жуда қисқа муддатда амалга оширилган машаққатли меҳнатнинг самарасидир. Бунда Халқаро авиация қўмитасининг хизмати ҳам катта бўлди. Замонавий авиация техникасини ривожлантириш, авиасозларнинг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва шу орқали халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун қўмита раиси Т.Анодина мамлакатимизнинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган эди. Давлатимиз раҳбари унга мазкур орденни топширди.

Т.Анодина кўплаб миллий ва халқаро мукофотлар билан тақдирланган. Халқаро авиация қўмитаси ҳам унинг ташаббуси билан 1991 йили ташкил этилган. Т.Анодина - фан доктори, профессор, авиация генерали.

Учрашувда Т.Анодина Ўзбекистон билан ҳамкорлик самарали кечаётгани, «В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» бутун дунёга машҳур эканлигини ва замонавий технология давлатимизнинг даражасини белгилашини таъкидлади.

Учрашувнинг яна бир иштирокчиси - Г.Новожилов Ўзбекистон авиация саноати ривожига меҳнати кўп синган контруктордир. Президент Ислом Каримов унинг илмий-амалий фаолиятига юқори баҳо берди.

Меҳмонлар самимий сўзлар учун давлатиимз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, Ил-114-100 самолётининг синови Тошкентда ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

*Ижтимоий ҳимоя*

## ПЕНСИОНЕРЛАР ДУО ҚИЛИШМОҚДА

Навқирон юртимизда бўлаётган туб ўзгаришлар касаба уюшмалари фаолиятига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Истиқлол шарофати билан касаба уюшмалари ҳам мустақиллик нашидасини суриб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари билан шуғулланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида касаба уюшмаларининг жамиятдаги эгаллаган ўрни ва ролига юксак баҳо бериб, бу жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётида иқтисодий ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги даврдаги зарурияти алоҳида таъкидлади. Бу эса касаба уюшмалари фаолиятига янада жўшқинлик бағишлади.

Бизнинг тармоқ қўмитамиз ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояси меҳнат хақи ва бандлик масалалари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишлари билан шуғулланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Конституцияси давлат қонунлари доирасида тармоқ ходимлари Низомига мувофиқ равишда амалга оширмоқда. Касаба уюшмалари ишчи ва хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ тадбирларни изчил амалга оширмоқдалар.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашда, пенсионерларга нафақа тўлашда ижтимоий таъминот тизимидаги ходимларнинг хизматлари каттадир. Вилоятимизда 307 минг нафар пенсионер бўлиб, уларнинг пенсия ва нафақалари коэффициенти ўтган даврда 10 маротабадан кўп марта қайта ҳисобланди. Бундай катта ва шарафли меҳнатни бажаришда ижтимоий таъминот ходимлари том маънода жонбозлик кўрсатишди. Агар 1996-97 йиллари пенсионерлар пенсия пулларини 3-4 ойлаб кечикиб олган бўлсалар, ҳозирга келиб улар нафақаларини ўз вақтида олмоқдалар.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш учун касаба уюшмаси барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Вилоятда ташқаридан қаровга муҳтож қариялар ва ногиронларни ўз қарамоғига олган 5 та «Мурувват» ва «Саховат» уйлари мавжуд бўлиб, уларда 820 киши меҳрибонлик билан қамраб олинган. Вилоятдаги ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли билим юртида 520 ўқувчи турли касблар бўйича таълим олмоқда. Бу ўқувчиларнинг аксарият қисми ногиронлардир. Касаба уюшмалари вилоят қўмитаси кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож бу тоифадаги фуқароларга бор имкониятларга қараб моддий ва маънавий ёрдамни ташкил қилмоқдалар.

Айни вақтда аҳолини иш билан таъминлашдир. Чунки бу масала жамият инфраструктурасига, оила бюджетига ва энг асосийси инсон руҳияти ва соғлигига салбий таъсир этади. Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга мисол тариқасида 1999 йил 1-ярим йиллигида шаҳар ва туман меҳнат бўлимларига 23074 киши иш сўраб мурожаат қилган бўлсалар, шулардан 16382 нафари турли тармоқларга мутахассисликлари ва касбларига қараб ишга жойлаштирилди. 3478 нафарига ишсизлик мақоми берилди. 1192 та ишсиз халқ миллий ҳунармандчилигига ҳамда касбга ўқитилди, 871 нафари хақ тўланадиган вақтинчалик иш билан банд этилди.

Вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар даврида меҳнаткашларни иқтисодий ҳимоялаш, касаба уюшмалари ва раҳбарларнинг асосий ишлари бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда кам таъминланган, 4 кўп болали оилаларга нафақаларнинг вақтида ва асоссиз берилмаслиги ариза ва шикоятларни кўпайишига олиб келмоқда. Ҳозиргача вилоят қўмитасига 126 та ёзма шикоят тушган бўлиб, кўриб чиқилган шикоятларнинг 101 таси меҳнат қонунчилигининг бузилиши, 9 та ҳолда иш хақларини нотўғри белгиланиши, 8 та шикоятда болали аёлларга нафақалар берилмаётганлиги, яна 8 таси ходим билан раҳбарнинг келишмовчилиги тўғрисидаги мурожаатлар бўлган. Меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятлар вақтида кўриб чиқилиб адолатли ҳал этилди.

(Давоми 2-бетда)

## ФАХРИЙЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Тошкент шаҳридаги «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуида илк марта кураш фахрийлари ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Мазкур мусобақада мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 35-75 ёшгача бўлган кураш фахрийлари ва оқсоқол полвонлар ғолиблик учун беллашувларда билак кучини синаб кўришди.

— Мазкур биринчиликни ўтказишдан мақсад, кураш ойлиги дастуримизда қайд этилганидек, янги йилда мусобақаларни хуш кайфият билан давом эттириш ҳамда курашимизнинг жаҳонда янги зафарлар қучиши учун оқсоқол полвонларимизнинг дуосидан баҳраманд бўлишдан иборат эди, — дейди Ўзбекистон кураш миллий федерацияси бош котиби Алишер Эшонқулов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Уч тоифа ёшидаги фахрийларнинг 3 вазни бўйича курашимизнинг икки тури — кураш ва белбоғли кураш баҳсларининг дастлабки учрашувини Қорақалпоғистон Республикасининг 68 ёшли полвони Кукмен бобо Каипов ва 70 ёшдаги Сурхондарё вакили Йўлдош бобо Абраматовлар бошлаб беришди. Полвонлар баҳсида дуранг натижа қайд этилди. Шундан сўнг ёши ва вазни бўйича уч тоифадаги 30 нафардан ортиқ отахонлар ўртасида ғолиблик учун баҳслар қизғин кечди. Фахрийларимиздан Х.Кафиев (Самарқанд), А.Шокиржонов (Тошкент вилояти), Б.Болжанов (Қорақалпоғистон) кабилар ҳамда сурхондарёлик оқсоқол полвонлардан Ж.Махмарасулов, Ж.Тошматовлар ғолиб бўлди. Ёши 65 дан ошган вазни 90 килограммдан юқори полвонлар ўртасида мутлоқ ғолиблик учун кечган беллашувлар айниқса, қизиқарли бўлиб, финалда Сурхондарёнинг икки вакили — ёши 73 да бўлган Жўра бобо Тошматов ва 70 ёшли Йўлдош бобо Абраматовлар курашди. Беллашувда Жўра бобо «ёнбош» баҳоси билан устунликка эришиб, мусобақанинг бош совринини қўлга киритди. Ташкилий қўмита томонидан биринчилик ғолибларига ҳамда барча кураш фахрийларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**«Туркистон-пресс».**

## ЭРКИНЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ

Биз етти оила жам бўлиб деҳқончилик қиламиз. Етиштирилган ноз-неъматларни Ҳамдўстлик мамлакатларига олиб бориб сотамиз. Даромадимиз баракали бўлмоқда. Иқтисодий эркинлик туфайли хусусий юк машинаси, 25 тоннали автокран сотиб олдик. Ўзим Германияга бориб, «Мерседес-бенц» корхонасида энг сўнгги русумдаги юк машинасига биринчи буюртмачи ва харидор бўлдим.

Ҳозир катта рўзғоримиздаги техника ёрдамида ҳар бир оилага алоҳида уй-жой қуришни бошлаб юбордик. Айни пайтда хайрия ишларини ҳам унутганимиз йўқ. Шоҳимардонда табиий офат рўй берганда мадад бўлдик. Маҳалламизга ўз ҳисобимиздан трансформатор ўрнатдик, йўлларни созлаб, мактабларни таъмирладик. Бундай ютуқларга фақат истиқлол туфайли, мустақилликнинг бош меъмори Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли эришдик. Шунинг учун биз, тадбиркорлар бутун оиламиз билан Президент сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаймиз.

**Солижон МИРЗАЖОНОВ,**
**Олтиариқ тумани,**
**Навоий кўчаси 8-уй.**

*Шу куннинг долзарб муаммоси*

## ЯНА ЎЗ ҚОҒОЗИМИЗ ҲАҚИДА

***Наманганда қоғоз ишлаб чиқарувчи корхона қурилаётганлиги ҳақида марказий матбуотдан тортиб маҳаллий газеталаргача роса ёзишди. Шу соҳа ходимлари енгил нафас олдилар. Ахир, бундай маҳсулот турининг асосий қисмини четдан валюта ҳисобига сотиб олардик-да. Ниҳоят, ўз қоғозимизга эга бўладиган кун яқин экан. Қолаверса, янги ишчи ўринлари яратилиб, қанчадан-қанча одам иш билан таъминланиш имконига эга бўлаётганди.***

1998 йилнинг биринчи чорагида макалатура ва ёғоч целлюлозасидан 90 тонна ўрама қоғоз ишлаб чиқарилди ҳам. Шу кўйи мазкур корхона ҳақидаги гап-сўзлар жимиб кетди. У тайёрлаётган маҳсулот ҳам ҳеч қаерда бошқа кўринмади. Қоғоз эса ҳамон танқислигича қолмоқда. Хўш, корхонага нима бўлди? Унинг тақдири қандай кечаяпти?

- Ҳа, ишимиз деярли натижа бермади, корхонани тўхтатишга мажбур бўлдик, - дейишди бу тўғридаги саволимизга жавоб топиш учун борганимизда. - Бутун вақтимиз сарсонгарчилик билан ўтяпти.

Дарҳақиқат, ушбу турдаги саноат шохобчасининг барпо этилиши нафақат вилоят миқёсида, балки мамлакат матбаачилигида, умуман, қоғоз билан иш битирадиган барча ташкилот, идора ва муассасалар учун ҳам катта воқеа эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзимизнинг маҳаллий хом ашёдан қоғоз олиш мақсади йўлидаги изланишлар, ҳаракатлар кучайди. Аммо пахта момиғи, шоли пояси ва ғўзапояни қайта ишлаш усули билан бундай маҳсулот турига эга бўлиш учун уринишлар кутилган самарани бермади. Ана шундай паллада Наманганда барпо этилаётган Ўзбекистон-Германия-Россия қўшма корхонасига қизиқиш кучайди. Унинг ишга туширилиши Ўзбекистон қоғоз саноатида муҳим қадам бўлиши мумкин эди. Корхонага Ўзбекистон томонидан 9 та хўжалик юритувчи субъект 62 фоиз, Германия томондан «EXOTEX» фирмаси 24, Россия тарафдан «Рефром Экспресс» компанияси 14 фоиз улуш билан таъсисчи сифатида қўшилдилар. Лойиҳага кўра корхонада йилига 1500 тонна ёзув қоғози ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, кейинчалик корхона қувватини 5000 тоннагача ошириш кўзда тутилган эди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун етиб келди. Дастлабки маҳсулот тайёрланди. Қалдирғоч маҳсулот намуналари истеъмолчиларга юборилган маҳалда қизил чироқ ёнди. Негаки, макалатурадан ишлаб чиқарилган бу қоғоздан матбаа мақсадларида фойдаланиб бўлмаслиги маълум эди. У фақат ўров ишлари учунгина ярарди, холос.

Хўш, 4,5 млн. АҚШ доллари ва 200 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб бунёд қилинган корхонада нима учун шундай ҳолат юз берди? Бунинг сабабини қаердан изламоқ даркор?

Гап шундаки, бир дақиқада 250 метр миқдорида қоғоз ишлаб чиқариш режалаштирилган саноат тармоғи барпо этилгани ҳолда уни бошқа хом ашё - пахта момиғи билан таъминлайдиган линия битказилмасдан қолган эди. Бинобарин, яна бошқа бир қатор сабабларга кўра макалатурадан қоғоз тайёрлаш жараёни ҳам тўхтади. Хуллас, ишлаб чиқариш линияси мухтасар ҳозирланмаганлиги, тағин ҳам аниқроғи, целлюлоза олиш учун зарур бўлган пахта момиғини тозалаш, қайнатиш, оқлаш, кимёвий саралаш ускуналари ўрнатилмаганлиги маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имкониятини йўққа чиқарди. Қолаверса, вилоятда бу соҳа мутахассислари йўқлиги ҳам қўшма корхонани боши берк кўчага киритиб қўйди. Вилоят ҳокимлигининг корхонани ишга тушириш мақсадида хорижлик сармоядорлар ва республикадаги мавжуд турдош корхоналар мутахассислари иштирокида бир неча усулда иш олиб борилганлигига қарамасдан мазкур муаммо етарлик даражада ўз ечимини топмади.

Изланишлар, саъй-ҳаракатлар давом этди. 1999 йилнинг ноябр ойида вилоят ҳокимлигининг таклифига биноан «Ўзбекмебел» давлат акционерлик бирлашмасининг раиси А.Қирғизбоев бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар қўшма корхонага ташриф буюриб, юз берган вазиятни чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқдилар ва уни бирлашма таркибига киритиш юзасидан аниқ фикр билдирдилар. Ушбу бирлашма таркибига кирувчи «Ўзбек қоғози» ҳиссадорлик жамияти мутахассислари томонидан ўтказилган тахлилларга кўра корхонани ишга тушириш учун бир қатор ташкилий-техникавий тадбирларни рўёбга чиқариш талаб этиларди. Чунончи, биринчи навбатда қозонхона қурилишини якунламоқ, химикат тайёрлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш, оқава сувларни механик тозаловдан ўтказиш учун цехлар бунёд этиш, омборхонани мослаштириш, келтирилган хом ашёни бирламчи қайта ишлаш ва узатиш линияларини сотиб олиш, хом ашё ҳисобланган пахта момиғидан целлюлоза ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун лойиҳада кўзда тутилган технологик линия ўрнига енгил, замонавий, Франциядаги «Клестрал» фирмасининг целлюлоза ишлаб чиқарувчи линиясини сотиб олиб ўрнатиш ва ишга тушириш керак.

Кейинги пайтларда бу ерда муз кўчгандай бўляпти. Қўшма корхона томонидан дастгоҳлар сотиб олинган 3775 минг АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва фоизлар тўловини амалга оширишни таъминлаш, корхонани ишга туширишни тезлаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги, республика Меҳнат вазирлиги, «Ўзбек қоғози» ҳиссадорлик жамияти ва ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Меҳнат вазирлиги томонидан кредит ресурслари ажратиш ва уни Миллий банк томонидан молиялаштиришга келишилди. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги қўшма корхонага чет эллик сармоядорларни жалб қилиб, қўшимча улуш қўшиш масаласини ҳам ҳал этмоқда.

Лекин бу ерда бир масала кишини ўйлантиради. Тўғри, корхона фаолияти, уни ишга тушириш билан боғлиқ ҳужжатлар етарли. Бу борада тузилаётган тадбирлар ҳам юқорида тилга олиб ўтилганидек оз эмас. Устма-уст ўтказилаётган йиғилишларни эса айтмасак ҳам бўлади. Лекин ҳамон самара кўринмаяпти ёки гап кўп, бироқ кўмир оз, деганларидек, ўзгариш сезилмаяпти. Биз корхонада сўнгги бор бўлган кунимиз ҳам Англиядан ва яна қайсидир фирмадан меҳмонлар ташриф буюришган экан. Қиссадан ҳисса шуки, «Намбум» фаолиятида ўзгариш ясайдиган вақт келди. Корхона тақдири, унинг муаммолари қанча тезроқ ҳал этилса, матбаачилигимиз, нашрчилигимиз қоғоз танқислигидан шунча барвақт қутилган, шу йўналишда сарфланаётган валюталаримиз эса ёш давлатимизнинг, қолаверса, халқимизнинг энг зарур эҳтиёжлари учун сарфланган бўлар эди!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ПЕНСИОНЕРЛАР ДУО ҚИЛИШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иш жойларида етарли шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тармоқда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналар тиббий, маиший хоналар билан таъминланган. Вилоятимизда ижтимоий суғурта маблағларидан фойдаланиш ва ходимларни дам олдириш, болалар оромгоҳида ишчи ва хизматчиларнинг болаларни дам олишларига етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Ҳозирги кунгача турли сиҳатгоҳларга 3395 та йўлланма берилди. Дам олиш масканларига 2808 та йўлланма, парҳез таомлари билан овқатланиш учун 417 дона талон ажратилди. Марғилон ҳисобот-кредит техникумининг ўқувчиларига 170 йўлланма ёзги таътилда дам олиш учун берилди. Булардан ташқари Шоҳимардон қишлоғидаги «Суғуртачи», ички ишлар ва адлия бошқармалари, прокуратура, иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, жамғарма банки, Марғилон ҳисоб-кредит техникуми, солиқ бошқармаси ва бошқа дам олиш масканларида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши ташкил этилди.

Диёримизда мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ аёлни эъзозлаш, унинг соғлиғига, билим олишига, ҳар томонлама камол топиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, энг муҳими, оилада бола тарбияси билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари, уларга ҳукумат томонидан яратиб берилган имтиёзларни тушунтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида иш соатини бир соатга қисқартириш, аёлларни 54 ёшдан пенсияга кузатиш тадбири барча касаба уюшма ташкилотларида, шаҳар ва туман касаба уюшма кенгашларида атрофлича ишлаб чиқилди. Шу йилнинг 25 июнида касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан шаҳарда «Аёл ва маънавият» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Танловда биринчи ўрин ва пул мукофотини Дангара тумани, иккинчи ўрин Марғилон шаҳри ҳамда учинчи ўрин Олтиариқ тумани қизлари эгалладилар. Энг фаол 2 нафар иштирокчи қизларга сиҳатгоҳларда дам олишлари учунг бепул йўлланма берилди.

Шу билан бир қаторда айтиб ўтиш лозимки, вилоят ташкилотларида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси ва касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгашининг 1998 йил 25 майдаги қўшма қарорига асосан 1998 йил «Оила йили» муносабати билан тармоқ касаба уюшма ходимларининг оилавий спартакиадаси ўтказилди. «Отам, онам ва мен спортчилар оиласи» шиори остида бўлиб ўтган кўп босқичли спорт мусобақаларга шаҳар ва туманлардан кўплаб иштирокчилар ташриф буюрдилар. Ушбу мусобақа юқори ўринни эгаллаган оила Тошкент шаҳрида бўладиган финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ушбу ҳуқуқ вилоят ИИБ поликлиникаси тиш шифокори Холижон Юсуповалар оиласига насиб этди. Шунингдек ўтказилган шашка мусобақасида ИИБ ходими Асқарали Эркабоев ва яйпанлик Ортиқовлар оиласи куч синашди. Финалда Ортиқовлар оиласи ғолиб чиқди. Шахмат бўйича мусобақа Бешариқлик Неъматжон, Кимёхон ва Фарруҳ Эшматовлар оиласига тенг келадиган оила бўлмади.

«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси вилоят дирекцияси ва касаба уюшма қўмитаси ҳомийлигида тузилган «Суғуртачи» чим устида хоккейчи қизлар жамоаси Фарғона шаҳар Қиргули туманидаги «Кимёгарлар» спорт мажмуасида Республика биринчилиги мусобақасида иштирок этдилар. Қизғин ва муросасиз ўтказилган ушбу мусобақада, «Суғуртачи» хоккейчи-қизлар жамоаси фахрли учинчи ўринни эгаллашга сазовор бўлдилар. 1999 йили эса «Аёллар йили» муносабати билан хотин-қизларнинг вилоят спартакиадаси ўтказилди. Спартакиадада ғолиб чиққан 8 нафар хотин-қизлар шу йилнинг 20-23 май кунлари Республика спартакиадасида қатнашдилар ва Дангара туманлик иштирокчимиз енгил атлетика бўйича 3 ўринни эгалашга муяссар бўлди.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда.

Барча жабҳаларда туб ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган, бозор муносабатлари жадал шаклланаётган бугунги кунда касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда. Олиб борилаётган ишлар Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат кодекси ва касаба уюшмалар ҳуқуқлари доирасида олиб борилмоқда. Бунда касаба уюшма қўмиталари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни сидқидилдан амалга оширмоқдалар.

**А.МАМАТХОНОВ,**
**давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси раиси.**

# БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида янги йилга бағишланган хайрия арча байрами ва болалар расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилган бу тадбирга пойтахтдаги меҳрибонлик уйларининг иқтидорли тарбияланувчилари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Назрулла Жўраев байрам қатнашчиларини табриклар экан, мамлакатимизда болаларга, айниқса, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига катта ғамхўрлик қилинаётганини таъкидлади. Ҳар йили янги йил арафасида минглаб болаларга Ўзбекистон Президентининг совғалари топширилиши бунинг яққол далили, қувноқ болаларимизнинг бугунги учрашуви бир неча кундан сўнг ўтказиладиган Президент арчаси тантаналарининг дебочасидир.

Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мамдух Шавқий Ўзбекистонда болаларга қилинаётган ғамхўрлик Тошкентда фаолият кўрсатаётган барча элчихоналар учун намуна эканлигини таъкидлади. Байрам қатнашчиларига янги йил совғалари топширилди.

Тадбир доирасида энг яхши расм учун экспресс-танлови ҳам бўлиб ўтди. Кичкинтойлар она юрт, унинг гўзал табиати, бахтли болалик тўғрисидаги беғубор туйғуларини қоғозга туширдилар. Ғолибларга совғалар топширилди. Тадбир меҳрибонлик уйлари ёш санъаткорлари концерти билан тугади.

# 12 МИЛЛИОН СОФ ФОЙДА

Мирзачўл туманидаги Абай номли ширкатлар уюшмаси ҳам санация хўжаликлари сафидан чиқиш арафасида турибди. Жамоа аҳли давлат ёрдами ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлашга эришди. Шу йилнинг ўзида пахтачиликдан келган жами даромад 136 миллион сўм бўлиб, шундан 7 миллион соф фойдадир. Шунингдек, ғаллачиликдан жорий йилда олинган даромад 5 миллион сўмни ташкил этди.



Оҳангарон туманида жойлашган Туркиянинг «Гида Санои» компанияси барпо этган Аймен корхонаси 1997 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда 200 нафар қиз-жувонлар иш билан таъминланган. Ўртача ойлик 7-8 минг сўм. Бу ерда 30 хилдаги печенье ишлаб чиқариляпти.

**Суратда (чапдан): қадоқловчилар Манзура Абдужабборова, Наима Сангиловалар.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИ, БУРЧИНИ-ЧИ?

Самарқанд вилояти Гўзалкент туманининг М.Улуғбек кўчаси, 7-уйда яшовчи фуқаро Ғани Юсупов таҳририятимизга хат йўллаб, унда ўзи раҳбар бўлиб ишлаётган «Қаҳрамон» деҳқон-фермер хўжалиги молиявий фаолиятида айрим тушунмовчиликлар содир бўлаётгани важидан унга ойдинлик киритишда ёрдам беришни сўраган эди.

Хатда кўтарилган масала бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига алоқадор бўлганлиги сабабли, таҳририят арзномани Гўзалкент туман прокуратурасига йўллаганди.

Куни-кеча у ердан туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси И.Нуралиев имзоси билан жавоб хати олинди. Унинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

«Қаҳрамон» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари 45900 сўмлик суғурта шартномасига имзо чеккан бўлиб, шундан суғурта тўлови фақат 1996 йил учун тўланган, холос. Кейинги йилда юқоридаги тўловлар тўланмагани боис шартнома қонуний кучини йўқотган. Бундан ташқари, Ғ.Юсупов хўжалик эҳтиёжи учун банкдан олинган кредитнинг 100 минг сўмини мақсадга номувофиқ ишлатиб, кредит шартномаси талабларини бузган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, хат муаллифига ушбу низоли иш юзасидан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилди.

# БАХТИ БАРКАМОЛ ЁШЛАР

Республикамиз келажаги бақувват, етук, соғлом ёшлар қўлида. Соғ танда — соғлом ақл деганларидек, ёшларни соғломлаштириш, улар ёзги ва қишки таътилларини мазмунли ўтказиш касаба уюшмаларининг энг муҳим ишларидан биридир. Деҳқончилик мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гурлан туманида бу борада олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Туман касаба уюшмалари бу йил 2000 нафардан ошиқ ўқувчининг мазмунли дам олишини ташкил қилди. Шулардан 107 нафар бола ёзги таътилларини Тошкент вилояти оромгоҳларида ўтказишди. Тумандаги «Деҳқонобод», «Намуна», «Гулистон» жамоа хўжаликларида ёшлар оромгоҳлари фаолият кўрсатди.

— Яна 2 та мавсумий ўқувчилар оромгоҳи очмоқчимиз, — дейди Деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари Гурлан тумани касаба уюшма қўмитаси раиси Ж.Қозоқов. — Бизда бу ишга алоҳида эътибор билан қаралади. Қўмитамизга қарашли 25 та ташкилотдан 15 тасида жамоа шартномаси тузилган. Бу йил жамоа шартномасига 53 миллион 653 минг сўм ажратилган бўлиб, бу шартнома асосан бажарилди. Жамоа шартномаларида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилишга, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотганларга ёрдам бериш каби тадбирларга кенг ўрин берилган.

Туманда 19 минг 299 нафар касаба уюшма аъзоларимиз бор. Аъзолик бадаллари ўз вақтида ундириб олиниб, зарурий тадбирларга сарф қилиб келинмоқда.

Касаба уюшма фаолиятини ёритишда, муаммоларни, камчилик ва нуқсонларни бартараф қилишда «Ишонч», «Инсон манфаати» газеталарининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Истиқлол берган имкон*

# БОБУР ОРЗУСИ УШАЛДИ



Заҳириддин Муҳаммад Бобурга замондош бўлган тарихчилар унинг ғоятда нозик таъб, хушфеъл, шеърият ва мусиқа шайдоси бўлганини таърифлайдилар.

...19 яшар Бобур Самарқандга юриш қилиб, уни эгаллади. У улуғ бобоси Амир Темурнинг марказлашган давлатини тиклаб, пойтахт қилган бу тарихий азим шаҳарни яна обод қилмоқчи, улуғ олим-у, меъморларни, машҳур хонанда-созандаларни чорлаб, Самарқанднинг шон-шуҳратини оламга ёймоқчи эди.

Насиб этармикан бу орзуларни амалда кўриш. Иншооллоҳ орзу-умидлари рўёбга чиққай, чунки буюк бобосидек нияти пок, элнинг нафини ўйлаб, юртда карвонсаройлар, масжид, мадрасалар, кутубхоналар қурдиришни, янги ариқлар чиқариб, боғлар барпо этишни кўзламоқда.

*Бори элга яхшилик қилғилки,*
*мундин яхши йўқ,*
*Ким дегайлар даҳр аро қолди*
*фалондин яхшилиқ.*

Бобур Мирзонинг ширин ҳаёлга берилганини кўриб турган мулозим таъзим бажо келтириб, секин сўради:

- Чоғир келтирайми, гулобми, шоҳим?

- Созандаларни чорланг. Самарқанд ушшоғини тинглайдурмиз.

Кенг хонанинг бир томонига Исмоил ғижжакчи бошлиқ созандалар жойлашдилар, рухсати олийдан сўнг, «Самарқанд ушшоғи» янграй бошлади. Бобур «Самарқандда хазрат Навоий шеъри бирла бир қўшиқ яратилмиш, бағоят дилафрўз эрмиш. куйини ўзимизнинг ахсилик Исмоил ғижжакчи яратгаҳмиш», деб эшитган эди-ю, тинглаш насиб этмаган эди.

Мана, ўша қўшиқни бутун борлиғи билан берилиб, сел бўлиб тинглашга муяссар бўлиб ўтирибди. Най, чилдирма, танбур, рубоб, чанг, уд, ноғора сингари ўндан ортиқ созлардан бир бутун бўлиб куй таралар, хонанда овози тўхтаганда ғижжак садоси алоҳида, баландроқ пардада нола қилиб, тингловчи диққатини ўзига тортарди.

«Ушшоқ»дан сўнг яна бир-икки қўшиқ айтилди, куйлар чалинди. Бобур Мирзо ғижжакка назар ташлади. Одатдаги ғижжаклардан ихчамроғ-у, овози ниҳоятда жарангдор. «Уста Исмоил ўзи ясаганмикан-а. Айтиб, ўзимга ҳам битта ясатиб олсам бўларкан», Бобур ғижжакка беҳуда қизиқмаётганди. Сабаби, болалигида машҳур фозиллардан дунёвий илмларни ўрганиш билан бирга, моҳир созандалардан мусиқа дарсини ҳам кўп тинглаган, ғижжакда кўп машқ қилган эди.

Шу пайт эшикдан хос йигитлардан бири ҳовлиқиб кирдида, ёв босиб келаётганини хабар қилди...

Шу-шу бўлди-ю, Исмоил ғижжакчи ясаган созга эга бўлиш истаги рўёбга чиқмай, армон бўлиб қолаверди. Бобур Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган йиллари устоз ғижжакчини кўп суриштирди, лекин дарагини тополмади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур кейинча Аграда мусиқа асбоблари ҳунармандчилигини ривожлантиришга эришди. Турли мамлакатлардан таниқли соз ясовчи усталарни топтириб, созларни такомиллаштирди. Тарихнависларнинг ёзишига қараганда, рубоб авваллари икки торли бўлган. Бобурнинг таклифи билан у тўрт торликка айлантирилган. Натижада рубоб 4 хил садо бериб, чангдан кейин энг кўп овозли асбобга айланган. Кейинча эса рубобнинг 8 торли нусхалари ҳам ясалган.

Бобур Мирзо бу ишлар билан шуғулланибгина қолмай, «Мусиқа илми» номли асарни ҳам ёзган.

Такомиллаштирилган созларга «Ғижжаки Бобурий» номи берилган:

Афсуски, давр ўтиши билан ўша созларнинг кўпи йўқолиб кетди. Ҳинд чолғу асбоблари ичида ҳозир асосан ўша даврдан қолган сурнай, доира, ноғора, қўшноғора, дилрабо, руд ва яна уч-тўрт созни учратиш мумкин, холос.

Хуллас, «Ғижжаки Бобурий» нинг усталари вафот этиб кетгандан кейин бу мураккаб созни яратувчи одам бўлмади. Натижада шундай довруқли соз аста-секин йўқолиб, унинг ўрнини скрипка эгаллади.

Бу ишни ҳозирга келиб, Бобурнинг ватандоши, андижонлик ҳунарманд Абдумалик Мадраимов амалга ошира олди.

## БИЛИМ - БАХТ МАНБАИ

Донишмандлар шундай таълим берадилар:

- Баркамол инсон бўлиш учун инсонда уч хислат бўлмоғи шарт: ёшига нисбатан яхши билим, мустақил фикрлаш қобилияти ва олижаноб мақсад. Билими саёз одам ҳар қадамда қоқилади, узоққа боролмайди, мулоҳаза юритолмайдиган киши лоқайд, ялқов, дағал ва бефаросат бўлади, эзгу мақсадларсиз одамнинг умри беъмани, бефойда ўтади.

Бу ҳикматни Абдумаликнинг ота-онаси ҳам, акаси Абдумуталлиб ҳам яхши билардилар. Шунинг учун улар Абдумаликни болалигиданоқ шу уч хислат руҳида тарбиялашга киришдилар. У учинчи синфда ўқир экан, акаси унинг мусиқага алоҳида қизиқиш билан қараётганини фаҳмлаб қолди. Шу боис Абдумуталлиб укасини Андижон шаҳридаги 2-мусиқа мактабига бошлаб борди. Бу ерда уни жуда илиқ кутиб олишди. Мусиқанинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни билан созларни тайёрлаш ва созандалик сирлари билан таништира бошладилар.

«Энди ҳаёт йўлини қандай изга соламан? Эл-юртга қай йўсинда фойда етказа оламан, - мулоҳаза юритди у, - ҳаёт шунчалик мураккаб, поёнсиз ва кўп қирраликки, киши унда ҳамма вақт ўз йўлини топа олади. Бунинг учун фақат интилиш керак. Мен мусиқани севдим, халқимга шу мусиқа ёрдамида хизмат қила оламан. Демак ҳаёт йўлим соз билан, созандалик билан, қўшиқ билан боғлиқ».

Шу тариқа ўз ҳаёт йўлини аниқ белгилаб олган Абдумалик консерваториядан қайтди-ю Бўтақорадаги Толибжон Содиқов номли махсус мусиқа мактаб-интернатида ўқитувчи - мураббий вазифасида ишлай бошлади. Бу ерда у ўз болалигини кўрди. Санъатни жон-дилдан севган, санъат билан нафас олган, ғунча истеъдод эгалари ўқитувчининг ҳар сўзини жон қулоғи билан тинглардилар.

Меҳнат фаолиятининг иккинчи йилида мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан таркиб топган хор жамоаси республика болалар «Санъат кўриги»да бош соврин эгаси бўлди. Шундан кейин Абдумалик Мадраҳимовни Андижон мусиқа-педагогика билим юртига ишга таклиф этдилар. Бу ерда ишлашни у ёшликдан орзу қиларди, чўнки бу кекса даргоҳда устоз муаллимлар меҳнат қилар, улардан кўп нарса ўрганиш, таълим олиш мумкин эди. Қолаверса, ўз қобилиятини, ўйлаган режалари ва эзгу ниятларини бу ерда устозлар кўмагида амалга ошириш осонроқ эди.

## ТИКАНСИЗ ГУЛ БЎЛМАС, МАШАҚҚАТСИЗ ҲУНАР

Абдумалик санъат билим юртида ишлаб юриб, ўз ечимини кутаётган жуда кўп муаммоларга дуч келди. Аввало кераклли чолғу асбобларини топиш - амри маҳол. Хусусан хушовоз най, сурнай, қўшнай, доира сингари созларга эҳтиёж катта. Тўғри, дўконларда дутор, танбур, рубоб сингарилар баъзан пайдо бўлиб қолади. Лекин улар дидли созандага ёқмайди. Иккинчидан, чолғу асбобларини таъмирлайдиган махсус устахона йўқ. Болалар синиқ созларини тузаттиргани ҳунармандчилик растасига олиб келадилар. Бу ерда бешик, чўмич сингари уй-рўзғор буюмлари ясашга ихтисослашган усталар, ўта нозик чолғу асбобини таъмирлашни зиммага олишмайди. Учинчидан театрлардан ташқари ҳаваскорлик тўгаракларининг кўпчилигида, айрим якка ҳаваскор созандаларда ҳам баян ёки аккардионни учратиш мумкин. Уларнинг аксар қисми бузилиб ётган бўлади. Чунки бу асбобларни ясашда ишлатиладиган сиранч қуёшли Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимига бардош беролмайди. Шу боис у ёнига беш-олти болани олиб, билим даргоҳидаги бўш хоналардан бирини тозалатди, ёғочни қайта ишлаш дастгоҳини топиб ўрнатди. Ўзидаги бор асбоб-ускуналарни келтириб териб қўйди. Аммо булар соз ясашга камлик қиларди, албатта. Ўта нозик асбобларни ясай олиш - шу касбнинг чинакам ҳунарманди бўлишни талаб қиларди.

Мақсад сари астойдил интилган, бир ишга киришса, битказмагунча тинчимайдиган Абдумалик Москвадаги ихтисослашган корхонада мусиқа асбобини ясаш сирларини ўрганди. У ердан олиб келган асбоб - ускуналар ёрдамида янги корхонада ишни бошлаб юборди. Ҳожатманд ва буюртмачилар ҳудди шуни кутиб тургандек, ёпирилиб кела бошладилар. Лекин Абдумалик ҳаётда мулоҳазали бўлиш, янгиликлар яратиш, ота-боболар ижодкорлигини давом эттириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиши керак деган фикрни ўзига шиор қилиб олган эди. Шу боис у созларни янада такомиллаштириш устида бош қотирди.

Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобурлар ўз даври созлари ҳақида маълумот ёзиб қолдиришган бўлса, Акбаршоҳ, шоҳ Раванойлар ўша асбобларнинг қандай ясалишини чизиб кўрсатиб кетишган.

Абдумалик ўрта аср шарқ мусиқа асбобларини бунёд этишда ана шу қадриятларимизга суянди. Ажаб, ҳозирги ғижжаклар яхлит ёғочдан эмас, ёғоч парчаларидан, орага қовурға қўйиб тайёрланган. Акбаршоҳ китобида эса, ғижжак, рубоб, танбурларнинг тут ёғочдан яхлит ҳолда тайёрланиши кўрсатиб ўтилган. Абдумалик ҳам шунга асосланди. Тут дарахтидан яхлит қилиб, ўйма шаклида соз тайёрлади. Бу сермеҳнат, бағоят нозик иш. Лекин уни чалсангиз, овози ҳозир ишлатилаётган скрипкалардан ўн чандон жарангдор ва баланд.

Андижон вилоятининг етакчи санъаткор ва санъатшунослари, республикада хизмат кўрсатган артист Ғуломжон Хожиқулов бошчилигида янгидан кашф этилган ғижжак тақдимотида уни ғоят юксак баҳоладилар ва созга якдиллик билан «Ғижжаки Бобурий» номини бердилар.

«Ғижжаки Бобурий» омадли соз чиқиб қолди. Машҳур ҳофизлардан тортиб, то ҳаваскор хонанда ва созандаларгача ана шу чолғу асбобидан фойдалана бошладилар. Талабнинг ниҳоятда ошиб кетганлиги, не-не кўргазмаларда бош совринларни олганлиги, унинг донғини жаҳонга тарқатди. Созга Япония, Греция, Ҳиндистон, Корея, Италия, Франция, Хитой, Америка сингари 20 га яқин мамлакатлардан буюртма олинди. Абдумалик талабнинг кучайиб кетганини ҳисобга олиб, махсус корхона очди ва дўкон қурди. Айни чоғда ана шу корхонада ишлаб чиқарилаётган созлар мижозлар талабини қондирмоқда.

**Ш.НЕЪМАТОВ,**
**М.АБДУКАРИМОВ.**

**Суратда: фирма раҳбари Абдумалик Мадраимов харидорлар билан суҳбатда.**

# Қашқадарёда миллий кино кунлари

Шу кунларда Қашқадарёда ўзбек миллий киноси фестивали бўлиб ўтяпти. Қарши шаҳри ва барча туманлар марказларидаги кинотеатрларда «Ўзбекфильм» ижодкорлари томонидан яратилган ҳужжатли ва бадиий ленталар намойиш этилаётир. Улар орасида «Кичик табиб», «Ёлғиз ёдгорим», «Воиз», «Отамдан қолган далалар», «Севги», «Тилсимой ғаройиб қизалоқ» каби фильмлар бор.

Миллий киномиз ютуқларини тарғиб қилиш, келгусидаги режаларни ўртоқлашиш мақсадида ўтказилаётган бу кинофестивалда мамлакатимизнинг таниқли кино ижодкорларининг ўз мухлислари билан учрашув ва мулоқотлари бўлиб ўтмоқда

*Илҳом*

# ДУНЁНИНГ КЎЗГУСИ АЁЛ

**Луқмони Ҳаким ҳақидаги ривоятларни тинглаб улғайган Нурмат Отабеков болаликдан шифокор бўлишни орзу қиларди. Орзуларнинг оппоқ қанотида юксак парвозларга шайланган Нурмат 1981 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини битирди. Сўнгра эса ўз изланишларини давом эттириб тиббиёт фанлари номзоди бўлди.**

**Айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаётган Н.Отабековга буюк ҳаким Ибн Сино сингари шеърият бўстонидан гул териш ҳам насиб этган.**

**Қуйида эътиборингизга шифокор шоирнинг кўнгил чаманидан дасталанган шеърий гулдастани ҳавола этамиз.**

## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

*Гуллагин, улуғ халқ суйган ҳур диёр,*
*Гуллагин, қалбида сеҳри барқарор,*
*Дили пок, меҳрию ҳиммати бисёр,*
*Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.*

*Гуллагин, саховат соҳиби яккаш,*
*Мурувват элчиси, оқилу дилкаш,*
*Исми жисми ила уйқашу ўхшаш,*
*Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.*

*Гуллагин, яхшилик улашолган юрт,*
*Ризқини беминнат бўлашолган юрт,*
*Самимий, чин дилдан сўрашолган юрт,*
*Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.*

*Гуллагин, ҳур Ватан, эркин қанот қоқ,*
*Дўстлару ёронлар меҳри билан боқ,*
*Азим дарё сифат тўлқинланиб оқ,*
*Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.*

*Гуллагин, Мусофир севган юлдузи,*
*Зулматдан соғ-омон келган кундузи,*
*Қолмагай қалбингда тобелик изи,*
*Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.*

## БОРДИР КЕЛАЖАК

*Дунёнинг кўзгуси, тираги — аёл,*
*Заминнинг қудрати, билаги — аёл,*
*Ҳаётнинг томири, юраги — аёл,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

*Гўдаклар тинчлиги, алласи — аёл,*
*Курра боқийлиги, ялласи — аёл,*
*Ҳаёт тарозисин палласи — аёл,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

*Меҳрнинг меҳроби, эгаси — аёл,*
*Гўзаллик тилсими бекаси — аёл,*
*Ҳар не хуш, соҳиби, меваси — аёл,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

*Мусофир куйинса — аёл туфайли,*
*Тақдирдан суйинса — аёл туфайли,*
*Толедан туйинса — аёл туфайли...*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

**Нурмат ОТАБЕКОВ.**

*Шарқ меъморчилиги анъаналари — ҳаётга!*

# ҚАЙСИ УЙ СИЗГА МАЪҚУЛ?

Маълумки, эски мустабид тузумда асосий турар жой мавзелари бевосита марказнинг — Масковнинг кўрсатмаси асосида барпо этиларди. Бинони тиклаш жараёнида фақат Ғарб меъморчилигидан нусха олишга алоҳида эътибор қилинарди. Лойиҳадан четга чиқишга мутлақо рухсат этилмасди.

70 - йиллардан бошлаб уйсозликда янгича лойиҳалар кенг жорий этиладиган бўлди. Яъни анча арзон ва чидамли саналган темир бетон уйлар тиклашга зўр берилди. Биргина Бухоро шаҳридаги уйсозлик комбинатининг кучи билан бу ерда йилига 80-85 минг квадрат метр ҳажмдаги ана шундай бинолар қад кўтарарди.

— Ўн йилдирки, шаҳардаги 5-кичик тумандаги кўп қаватли темир бетон уйларда истиқомат қиламиз. Тўғрисини айтганда, бундай уйлар ёзи ҳаддан зиёд иссиқ, қиши совуқ кечадиган бизнинг иқлим шароитларига тўғри келмайди. Шарқона услубда қурилган масканлар ҳам қулай, ҳам шинам, ҳам саломатлик учун жуда асқотишини ёддан чиқармаслик зарур, — дея ўз хулосаларини баён қилади тиббиёт олийбилимгоҳининг доценти Чори ака Хайруллаев.

Домланинг эътирозида жон бор. Бугун биз ўз мамлакатимизни янада обод қилиш имконияти яратилган даврда ишлаётган эканмиз, эски тузумдан қолган айрим нарсалардан воз кечишимизга тўғри келади. Бу, уйсозлик соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Ҳозирги босқичда қурилиш суръатлари қандай? Саволни шу тарзда қўйиш ўринли. Лекин жавоб ҳийла мулоҳаза юритишга ундайди. Негаки, ҳозир бизда қурилиш суръатлари кутилаётган даражада эмас. Бухорода ҳам уй-жой олишни кутиб яшаётганлар анчагина. Бунда биз юқорида тилга олган «Бухороуйқурилиш» жамоасининг ҳам маълум даражада айби бор. Ташкилот ҳамон молиявий-иқтисодий танглиқдан чиқа олганича йўқ.

— Аҳволимиз анча оғир, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Фарҳод Холов. — Айниқса, солиқ идоралари олдидаги қарзларимиз тўхтовсиз ошиб бораётир. Нима бўлгандаям, вазиятдан чиқиш йўлларини излаяпмиз. Салкам 13 гектарлик майдонни эгаллаб турган корхонамиз ҳудудида қўшимча цехлар, қўшма корхоналар барпо этишга эътиборни қаратмоқдамиз. Шунингдек, айрим биноларни ижарага беришга ҳозирлик кўрилаётир,

Шаҳардаги ўнлаб инфратузилма объектларининг узоқ вақт корхонамиз ихтиёрида сақланиб келаётганлиги ҳам аҳволимизни янада мушкуллаштирмоқда. «Строитель» ўйингоҳи, 2-3 та боғча, 280 ўринли 30 та ётоқхона, соғломлаштириш мажмуи, «Бухоро» футбол жамоасининг базаси ана шулар жумласидандир. Биз тегишли идоралар ва шаҳар ҳокимлиги билан келишиб, уларни эга-эгаларига топширмоқчимиз. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир сўм ҳисобда туриши керак.

— Ташкилотингиз қошида Жанубий Корея билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонанинг тақдири ҳақида нима дея оласиз?

— Бундан 1,5-2 йил илгари иш бошлаганимизда ҳамюртларимизнинг қувончи чексиз эди. Корхонада «Голсстарт» дея номланган рангли телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Даромаднинг 36 фоизига биз шерикчилик қилардик. Аммо кейинги вақтдаги тола етказиб бериш билан боғлиқ тугунлар ишни енгил кўчишига ҳалақит бераяпти. Натижада...

— Тушунарли. Ҳозир қайси йўналишлар бўйича иш олиб бораяпсизлар?

— Айни чоғда хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш участкаси ҳамда 100 кишини бирлаштирган техник комплектлаштириш идораси ходимларининг фаолиятига кўз тикиб турибмиз. Олдинги йиллари ишимизда узилишлар бўлди. Фақат ўтган йилда 3.6 минг квадрат метр уй-жой қурилишнинг уддасидан чиқдик. Жорий йилда яна бироз жонланиш бўлди. Шаҳардаги 5-кичик туманда, Когон шаҳрида турар-жой бинолари, Жондор шаҳарчасида эса янги қад ростлаётган касб-ҳунар коллежида иш олиб бораяпмиз. Албатта, буни қониқарли, деб бўлмайди.

Туркиянинг «Алалко» фирмаси билан замонавий талабларга мос Бухоро аэропортини бунёд этишда ҳам қурувчиларимиз фаол иштирок этаяптилар. Янги йилдан эътиборан Толимаржон шаҳрида 40 хонадонга мўлжалланган бино қурилишига киришиш ниятимиз бор.

Эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмаслиги равшан. Бизнингча энг аввало вилоятда ҳеч нимага ярамай қолаётган қурилиш тизимидаги идоралардан батамом воз кечиш зарур. Қолаверса, Юртбошимиз шу йилнинг иккинчи ярмида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаб ўтганларидек, пудрат ишлари бозорини барпо этишга, тендер шартларини ҳалол, адолатли тарзда уддалашга қодир бўлган қурилиш ташкилотлари фаолиятига кенг йўл очиб беришни таъминлаш эвазига уй-жой ҳамда коммунал хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга эришмоқ мумкин.

Яна бир фикр: турар жойларни шарқона меъморчилик услубларига мос ҳолда ганж ўймакорлиги ҳамда пишган ғиштдан фойдаланган ҳолда тиклаш мақсадга мувофиқ эмасмикин?!

Бу қадим Бухоро кўркига кўрк, чиройига яна чирой бағишларди-ку. Шаҳарда ўз кўрки жамоли билан барчани лол қолдираётган обидалар, меъморчилик мажмуалари оз эмас. Бир вақтнинг ўзида тўрт фасл жамолини ўзида мужассам этувчи ноёб меъморчилик санъати даражасидаги биноларга қараб кўзингиз, дилингиз қувнайди.

Ўйлаймизки, шаҳар ва вилоятдаги иқтисодий бақувват корхоналар ҳамда тадбиркор ва юридик шахслар, дурустгина даромад олаётган оила вакилларининг маблағларидан марказлашган ҳолда фойдаланиш имкониятлари яратилгудек бўлса, бухоролик қурувчилар ҳам ота, боболари уддалаб келган ишни қойиллатиб бажаришга қодир. «Бухороуйқурилиш»дек йирик жамоалар эса бу йўлда намуна бўлишлари талаб этилади.

**Усмон НАВРЎЗ.**

*Ғаройиб олам*

## ЎҒРИЛАРГА ЁРДАМ БЕРДИ

Ярим кечаси бейрутлик бир фуқаронинг эшигини қоқишади. Эшикни очган уй эгаси остонада иккита ёш йигитча турганини кўради. Улар уй эгасининг «Мерседес»ига ўрнатилган қўриқлаш қурилмаси жуда баланд овозда ишлаётганидан ва ухлашга халақит бераётганидан нолишади. Уй эгаси бу талабни ўринли топди-да, улар билан биргаликда бориб автомобилдаги қўриқлаш қурилмасини ўчириб қўяди.

Эрталаб турган уй эгаси не кўз билан кўрсинки, «Мерседес»идан ном-нишон ҳам йўқ эди.

## ДАВОСИЗ ДАРД

Чикаголик Жон Меггот кечки сайрдан уйга қайтар экан тўсатдан қоқилиб, деворга бошини уриб олади. Натижада боши ёрилиб қон оқа бошлайди. У шифокор ҳузурига йўл олади. Орадан бир мунча фурсат ўтиб, жароҳат ҳеч нарса бўлмагандек битиб кетди. Лекин кейинчалик Жон нафас олишга қийнала бошлайди. Шундан сўнг у яна шифокорга мурожаат қилади. Бошидаги жароҳат синчиклаб кузатувдан ўтказилгандан сўнг, шифокор унга жароҳати ўрнида қандайдир ҳашорат тухум қўйганини маълум қилади. Тухумлар эса вақт ўтиб қуртларга айланган ва Жонни безовта қила бошлаган. Шифокор жароҳатдаги барча қуртларни синчиклаб тозалайди ва Жонга бошқа безовталанмаслиги мумкинлигини айтади. Орадан бироз вақт ўтиб. Жон яна нафас олишга қийнала бошлайди ва яна ўша шифокор ҳузурига йўл олади. Шифокор афсус билан, ўтган сафар барча қуртларни тозалашга муваффақ бўлмаганлигини маълум қилади.

Яна бир бор ўтказилган текширувлардан сўнг бу зараркунандалар Жон организмига ўта сингиб кетганлиги ва бош мия қобиғини очмасдан уларни тозалаш мумкин эмаслиги маълум бўлди. Бундай хабардан тушкунликка тушган Жон Меггот уйига йўл олади ва намойишкорона ўзини осиб қўяди.

## ГАЗНИНГ «СИРИ»

Ёнувчи табиий газлар, асосан, углеводородлар аралашмасидан, яъни молекулалари фақат элементдан — углерод ва водороддан ташкил топган бирикмалардан иборат, Углерод ва водород атомларининг бир-бирига нисбатан жойлашишига қараб, табиатда жуда кўп микдорда турли-туман углеводородлар мавжуд бўлиши мумкин.

Уларнинг энг оддийси — газ..

Газларда молекулалар ораси суюқликлардагига қараганда анча кенгроқ, Шунинг учун уларнинг зичлиги ҳам анча кам бўлади. Масалан, Газли конидан олинаётган бир куб метр газнинг оғирлиги атиги 760 грамм келса, бир куб метр бензин ёки керосин бундан деярли минг марта оғир бўлади.

*Ибрат олса арзийди*

# МАЛАЙЗИЯ ТЎЙЛАРИ

***Ўзбекистонда Малайзия ишлаб чиқарган айниқса радиоэлектроника маҳсулотлари, кўплаб сотилмоқда. Халқимизга улар сифатли бўлгани учун доимо манзур. Лекин биз Малайзия тўғрисида жуда кам маълумотга эгамиз.***

Малайзия мусулмон давлати бўлиб, аҳолиси 22,5 миллион киши. 1957 йилгача Англиянинг мустамлакаси бўлган. Мустақилликдан кейин барча тармоқларни иложи борича замонавий технологиялар билан жиҳозлашга киришди. Ҳозир эса Осиё мамлакатлари ичида асосий ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўрта ва оғир ишлар бажариладиган барча жараёнлар компьютерлаштирилган. Электротехника саноати жуда яхши ривожланган. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосан консервация қилиниб, чет элларга экспорт қилинади. Пальма ёғи, табиий каучук, ипак ишлаб чиқариш ривожланган. Жанубий, шарқий Осиё давлатларидаги иқтисодий таназзулга қарамасдан Малайзия барча ишларни ўзи ҳал қилишга киришди ва бунинг уддасидан чиқди. Меҳнаткашларнинг турмуш шароити Осиё давлатлари ичида юқори. Энг кам иш ҳақи 100 АҚШ доллари, ўртача иш ҳақи 400 долларга тенгдир.

Малайзияда уйланиш тантанаси кўпчиликка жуда маъқул бўлса ажабмас. Қизлар 15 ёшга тўлгандан кейин турмушга чиқиши мумкин. Уйланиш маросими фақат ислом дини қоидаларига асосан олиб борилади. Куёвнинг онаси, бувиси келин топишади, куёвга ёққандан кейин фотиҳа қилинади. Фотиҳада фақат аёллар иштирок этиб, куёвнинг онаси келиннинг бармоғига узук тақади. Кейин барча йиғилганлар ёшларни дуо қилишади. Туман, қишлоқ ислом қўмитасига ариза берилгандан кейин, туман имоми никоҳ ўқиш учун домла тайинлайди. Қалин пули мажбурий равишда 15-30 АҚШ долларини ташкил қилади. Бу суммани туман ислом қўмитаси белгилайди. Фотиҳадан кейин бир йил ичида тўй бўлади. Никоҳ келин уйида ёки мачитда ўқилади. Кўпчилик никоҳ тантанаси асосан келин уйида ўтказилади. Никоҳда домла, куёв икки жўраси билан, келин икки дугонаси билан ҳамда қизнинг отаси, отаси бўлмаса онаси, онаси бўлмаса қариндошларидан бир эркак қатнашади. Никоҳ гувоҳномасига 6 киши қўл қўяди. Барча тўйлар фақат таътил вақтларида ўтказилади. Чунки тўй ўқиш, ишлаш пайтида бўлиши мумкин эмас, бу ҳам уларнинг қадимги удумларидан биридир. Тўй ресторан, кафеларда бўлмай, фақат хонадонларда ўтказилади. Дастурхонга ҳеч қандай спиртли ичимликлар қўйилмайди. Лекин турли иштаҳани очадиган жуда мазали овқатлар, ширинликлар ва бошқа ноз-неъматлар сероб бўлади. Тўй ўта кам харажатли бўлиб, келин томондан ҳеч қандай сеп талаб қилинмайди. Янги оила тўйдан кейин алоҳида азалий удумга кўра бошқа ҳовлига ёки ижара уйга кўчиб ўтишади.

Ёшлар керакли буюм ва нарсаларни ўзлари ишлаб сотиб олишади. Кўпинча уй муаммоси куёв ва келин томон ўзаро келишган ҳолда, уларга алоҳида уй сотиб олиш билан ўз ечимини топади. Қайнона - келин дўстона муносабатда бўлишганлари боис улар ўртасига совуқчилик тушмайди. Зарур бўлганда қайнона келинига ўзининг энг яхши насиҳатларини бериб ёрдам қилиб туради. Бу нарсалар уларнинг иттифоқликда яшашларини таъминлайди.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг иккинчи котиби Аминуддин Яхая биз билан бўлган суҳбатда шундай деди: Ҳар бир халқнинг боболаридан қолган қадимги урф-одатлари бор. Бунга амал қилиш керак, албатта. Лекин исломда тўйларда исрофгарчиликларга йўл берилмаган. Келин томондан бўладиган сеп ҳаражатлари ўрнига, маблағни ёш оилага уй сотиб олиш ёки уларни келажакдаги ёшлар турмушини яхшилашга ишлатиш, мақсадга мувофиқдир. Чунки ортиқча сеп ҳаражатлари келин оиласи даромадига катта зарар келтириб, уларнинг турмушига ҳам салбий таъсир этади. Мени ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, доимо очиқ чеҳраси, хушмуомалалиги мафтун этади. Келажакда ўзбек халқига янада омад тилайман. Худодан нима истаклари бўлса, бари рўёбга чиқишини чин дилдан истайман».

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД.**

Й.Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юрти томонидан Раҳмонова Нигора Аҳатовна номига берилган № 394-915099 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## КУБОК ПОЙТАХТ САМБОЧИЛАРИДА

Тошкент шаҳридаги «Динамо» спорт мажмуида самбо бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Кубок беллашувларининг дастлабки куни республикамиз олти вилояти терма жамоалари ҳамда пойтахтлик полвонлар 9 вазнда ғолиблик учун кураш олиб боришди. Барча вилоят полвонларини енгиб чиққан Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти курашчилари ўртасидаги финал учрашувда 6:3 ҳисобида пойтахтликларнинг қўли баланд келди.

— Бу йилги мусобақа шуниси билан эътиборлики, кубокни қўлга киритиш учун ҳар бир самбочи ўзи учун эмас, ўз жамоаси шаъни учун жон куйдирди, — деди Тошкент шаҳри терма жамоаси мураббийси Иброҳим Одилов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кубокни қўлга киритиш жамоамизга осон кечмади. Республикада кучли саналган Самарқанд ва Тошкент вилояти вакилларини мағлуб этиш учун шогирдларим анча тер тўкишди. Улар келгусида бўладиган Жаҳон Кубоги беллашувларида мамалакатимиз шарафини ҳимоя қилувчи таркибдан жой олишади.

**«Туркистон-пресс».**



***Бахтли кун...***
**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат**

*Биласизми?*

## ОДАМЗОД ТОИФАЛАРИ

Немис биолог мутахассиси Александр Гумбальдт Лотин Америкаси бўйлаб сайёҳат қилиб юрган кунларнинг бирида донишманд, зукко бир киши билан суҳбатда бўлади. Донишманд унга ер юзидаги одамлар тўрт тоифада бўлиши тўғрисида ўз қарашларини баён этади. Улар қуйидагича:

1. Баъзи нарсаларни биладиган ва шу нарсаларни билишларини ўзлари биладиган одамлар. Бундайлар — маълумотли кишилардир.

2. Баъзи нарсаларни биладиган ва шу нарсаларни билишларини ўзлари билмайдиган кишилар. Бундайлар — уйқудаги кишилар, уларни уйғотиш фойдали.

3. Баъзилар эса ҳеч нарса билмайдилар. Лекин, бу ҳақда ўзлари ҳам биладилар. Бундай инсонларга ёрдам бериш зарур.

4. Яна бир тоифа кишилар борки, ҳеч нарса билмайдилар ва билмасликларини ўзлари ҳам билмайдилар. Бундайлар — нодон одамлардир.

## ҚОРИНДОРЛАР ҲУРМАТДА

Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган Малайзия мамлакатида қориндор кишилар энг бадавлат, кучли ва обрўли ҳисобланадилар. Улар ҳеч бир нуқсонли саналмай, аксинча, уларга «жуда келишган қоматли барваста» деб ҳавас қилишади. Мамлакатнинг Перанг штатида истиқомат қилувчи Муҳаммад Али исмли киши шу жиҳатига кўра якка-ю ягона саналади. У қориндор эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақада олти нафар кишини енгиб, ғолибликни қўлга киритди. Шарқий Осиё давлатларида Дўмбоқ эркаклар беллашуви бошқа мусобақалардан анча илгари анъанага айланган. Чунки, «Гўзаллик қироличаси», «Қизлар», «Эркаклар» кўрик-танловлари катта ёшдагиларни мафтун этса, қориндорлар мусобақаси кичкинтойларга завқ бағишлайди. Уларга сомон тиқилган қанордай, юмшоқ жуда катта қорин устида ўтириб олиб сайр қилиш мазза-да.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 1007.
1 2 3 4 5 6